

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ИЛХОМОВ ОЙБЕК ЭРКИНОВИЧ

**КОРОНАР ВА БРАХИОЦЕФАЛ АРТЕРИЯЛАРНИНГ ҚЎШМА
ШИКАСТЛАНИШИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА ЖАРРОҲЛИК
ДАВОЛАШНИНГ ТАКТИК ЖИХАТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.34 - Юрак-қон томир хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Илхомов Ойбек Эркинович

Коронар ва брахиоцефал артериялари шикастланган беморларни жарроҳлик йўли билан даволашнинг тактик жихатларини такомиллаштириш

3

Илхомов Ойбек Эркинович

Совершенствование тактических аспектов хирургического лечения больных с сочетанным поражением коронарных и брахиоцефальных артерий

21

Ilkhomov Oybek Erkinovich

Improvement of tactical aspects of surgical treatment of patients with combined lesion of the coronary and brachiocephalic arteries

39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

43

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ИЛХОМОВ ОЙБЕК ЭРКИНОВИЧ

**КОРОНАР ВА БРАХИОЦЕФАЛ АРТЕРИЯЛАРНИНГ ҚЎШМА
ШИКАСТЛАНИШИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА ЖАРРОҲЛИК
ДАВОЛАШНИНГ ТАКТИК ЖИХАТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.34 - Юрак-қон томир хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1303 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мансуров Аброл Амирджанович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Абдумажидов Хамидулла Амануллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Абралов Хакимжон Кобилжонович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

**Краснодар ўлкаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
"Профессор С.В. Очаповский номидаги 1-сонли
ўлка клиник шифохонаси илмий тадқиқот
институтини"
(Краснодар, Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» __ кунини соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертацияси билан академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№149-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ кунини тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор,
академик

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Р.А. Ибадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «юррак-қон томир касалликлари бутун дунёда ўлимнинг асосий сабабчисидир». Бошқа бирор касалликдан бу қадар одамлар кўп вафот этмайди, маълумотларга қараганда, 2016 йилда 17,9 миллион одам юрак хуружидан вафот этган, бу эса дунёдаги жами ўлимнинг 31 фоизини ташкил этади¹. Шунингдек, 2019 йилда 9,0 миллиондан ортиқ ўлим юрак ишемик касаллиги (ЮИК) туфайли содир бўлган, демак, у ҳамон дунёдаги асосий ўлим сабабчиси бўлиб қолмоқда². Ўзбекистон Республикасида 2017 йилда юрак-қон томир тизими касалликлари билан касалланиш 100 минг аҳолига 5799 нафарни ташкил этди. Коронар, каротид ва периферик томирларнинг қўшма атеросклеротик шикастланиши ҳам кўп учрайди, шунинг учун сўнгги йигирма йил ичида юрак-қон томир жарроҳлигининг асосий эътибори коронар ва мия қон айланиши етишмовчилигини бир онли ёки босқичли хирургик даволашга қаратилган. Зеро, тожтомирларни муваффақиятли шунтлаш даражаси сезиларли даражада ошди, салбий неврологик натижаларга профилактик ёндашув эса анча оммалашди, аммо бу йўналишдаги тактик ва техник масалалар, айниқса жарроҳлик кириш усули ва унинг ҳажмини танлаш масалалари яқуний ечимдан йироқ.

Жаҳон амалиётида ҳозирги кунда биотехнология ва тўқима муҳандислиги каби турли илмий йўналишларнинг ҳамкорлиги янги ўзак ҳужайралари ва нанотехнологияларнинг ривожланишига олиб келдики, бу коронар ва брахиоцефал артерияларнинг қўшалок атеросклеротик шикастланишини ўрганишда истиқболли натижаларни кўрсатмоқда, юрак фаолияти ва у билан боғлиқ ҳолатларнинг тикланиш имкониятини бермоқда, ЮИК ва уйқу артериялари шикастланишида кузатиладиган мураккаб патофизиологик ўзгаришларнинг турли жиҳатлари ҳамда касаллик кечишига таъсир кўрсатувчи хатар омиллари ҳамда касалликка мойиллик ҳолатларига эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида юрак-қон томир касалликлари билан оғриган беморлар профилактикаси, ташхиси, уларни консерватив ва жарроҳлик даволашнинг замонавий технологияларини жорий этиш ҳисобига даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда, хусусан, коронар ва брахиоцефал артерияларнинг қўшма атеросклеротик шикастланишида ташрихга тайёрлаш сифати ва хавфсиз жарроҳлик тактикаси усулларини яхшилашда ижобий натижаларга эришилган. Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда етти устувор йўналиш

¹ Nowbar AN, Gitto M, Howard JP, Francis DP, Al-Lamee R. Mortality From Ischemic Heart Disease. *Circ Cardiovasc Qual Outcomes*. 2019;12(6):e005375. doi:10.1161/CIRCOUTCOMES.118.005375

² Dai H, Much AA, Maor E, Asher E, Younis A, Xu Y, Lu Y, Liu X, Shu J, Bragazzi NL. Global, regional, and national burden of ischemic heart disease and its attributable risk factors, 1990-2017: results from the global Burden of Disease Study 2017. *Eur Heart J Qual Care Clin Outcomes*. 2020;qcaa076.

бўйича ривожлантириш стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари киритилган³. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, уйку ҳамда коронар артерияларнинг атеросклеротик шикастланиши билан оғриган беморларда оптимал ташхислаш ва даволаш тактикасини ишлаб чиқиш долзарб йўналишлардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2017 йил 16 мартдаги «Шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4985-сон Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тож томирлар атеросклерози булган кўплаб беморларда узок муддатли тизимли атеросклерознинг ривожланиши натижасида уйку артерияларининг окклюзив-стенозли атеросклеротик шикастланиши ҳам кузатилади. Масалан, М.Ж. Poi ва ҳаммуал. (2018) ўтказган тадқиқот натижасига кўра, «каротид эндартерэктомияни бошидан кечирган беморларда 28% ҳолатда АКШга кўрсатма берилган. Шунингдек, коронар реваскуляризацияга кўрсатмалари бўлган беморларнинг 12% ида бўшлиғи 80% дан юқори бўлган стенозли гемодинамик аҳамиятли уйку артерияси окклюзион шикастланиши аниқланиши мумкин»⁴. Уйку ва коронар артериялар окклюзион касалликлари кўшалок учраганда идеал терапевтик стратегияни танлаш жуда қийин. Тадқиқотчилар бир онли ёки босқичли хирургик даволашга асосланган турли хил даволаш протоколларининг устуворликлари хусусида баҳс юритаётган бўлса-да, операциядан кейинги неврологик асоратлар хавфини камайтириш бўйича миллий ва халқаро тавсиялар ўртасида ҳалигача келишув мавжуд эмас⁵. Клиник тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бир марталик КЭЭ ва АКШ амалиётини бажариш инсульт ёки ўлим кўрсаткичининг юқорилиги билан боғлиқ. Бироқ, яқинда ўтказилган клиник тадқиқотлар шуни кўрсатадики,

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

⁴ Poi MJ, Echeverria A, Lin PH. Contemporary Management of Patients with Concomitant Coronary and Carotid Artery Disease. World J Surg. 2018;42(1):272-282. doi: 10.1007/s00268-017-4103-7

⁵ Tully A, Bishop MA. Coronary Artery Surgery. 2021 Mar 3. In: StatPearls [Internet]. Treasure Island (FL): StatPearls Publishing; 2021 Jan-. PMID: 32965858.

АКШдан олдин уйқу артериясини стентлаш мия қон айланиши бузилиши белгилари бўлмаган беморларда ижобий натижаларга олиб келиши мумкин⁶.

Ҳозиргача нашр этилган маълумотларга асосан, уйқу ва коронар артериялари патологияларини даволашнинг идеал стратегияси ноаниқлигича қолмоқда. Коронар ва уйқу артериясида жарроҳлик аралашуви талаб этиладиган беморларнинг аксариятида уйқу артериялари бир томонлама шикастланган бўлиб, бу неврологик жиҳатдан белгиларсиз кечади⁷. Периоператив мия тромбоэмболик ёки гипоперфузион шикастланиш билан боғлиқ ишемик инсульт юрак-қон томир жарроҳлигидаги тан олинган асоратлар сирасига киради⁸. Уйқу артерияларидаги профилактик аралашувлар омон қолиш кўрсаткичини яхшилаши мумкинми деган масала мунозарали бўлиб қолмоқда⁹. Ёндош коронар касаллиги бўлган беморларда уйқу артерияси ревазуляризациясининг мақбул вақти масаласи ҳам кўплаб баҳсларга сабаб бўлмоқда. Эндovasкуляр технологиядаги сўнгги ютуқлар уйқу томирлар ревазуляризацияси учун мақбул даволаш стратегияси сифатида уйқу томирини стентлашнинг фойдали эканлигини тасдиқлади. Уйқу артериясида тери орқали амалга ошириладиган аралашувлар коронар ва уйқу артерияси ревазуляризацияси талаб этиладиган беморларни даволашда шифокорларнинг энг сўнгги амалиётига айланди.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, коронар ва уйқу артериялари кўшма атеросклеротик шикастланиши бўлган беморларда жарроҳлик аралашуви кўлами ва босқичларини танлаш сўнгги 40 йил ичида юрак-қон томир жарроҳлари дуч келган энг қийин вазифалардан биридир. Юрак-қон томир жарроҳлигининг ушбу соҳасидаги ҳал этилмаган муаммолар ва кўплаб терапевтик мулоҳазаларни эътиборга олсак, бу ёндош касалликларга чалинган беморларни даволашнинг энг мақбул усулини аниқлаш учун, шубҳасиз, янги клиник тадқиқотлар зарур.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти “Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази” давлат муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади оптималлаштирилган ташхислаш ва даволаш алгоритмининг таклиф этиш ҳамда қониқарсиз натижаларнинг омилли таҳлили

⁶ Drakopoulou M, Oikonomou G, Soulaïdopoulos S, Toutouzas K, Tousoulis D. Management of patients with concomitant coronary and carotid artery disease. *Expert Rev Cardiovasc Ther.* 2019;17(8):575-583.

⁷ Tzoumas A, Giannopoulos S, Texakalidis P, Charisis N, Machinis T, Koullias GJ. Synchronous versus Staged Carotid Endarterectomy and Coronary Artery Bypass Graft for Patients with Concomitant Severe Coronary and Carotid Artery Stenosis: A Systematic Review and Meta-analysis. *Ann Vasc Surg.* 2020 Feb;63:427-438.e1.

⁸ Tzoumas A, Giannopoulos S, Charisis N, Texakalidis P, Kokkinidis DG, Zisis SN, Machinis T, Koullias GJ. Synchronous versus staged carotid artery stenting and coronary artery bypass graft for patients with concomitant severe coronary and carotid artery stenosis: A systematic review and meta-analysis. *Vascular.* 2020;28(6):808-815.

⁹ Giannopoulos S, Texakalidis P, Charisis N, Jonnalagadda AK, Chaitidis N, Giannopoulos S, Kaskoutis C, Machinis T, Koullias GJ. Synchronous Carotid Endarterectomy and Coronary Artery Bypass Graft versus Staged Carotid Artery Stenting and Coronary Artery Bypass Graft for Patients with Concomitant Severe Coronary and Carotid Stenosis: A Systematic Review and Meta-analysis. *Ann Vasc Surg.* 2020 Jan;62:463-473.e4.

орқали коронар ва брахиоцефал артерияларнинг қўшма атеросклеротик шикастланишларини хирургик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ишлаётган юракда коронар артерияларини шунтлашда юрак ва коронар артерияларга жарроҳлик йўли билан кириб бориш усулини ишлаб чиқиш;

коронар ва брахиоцефал артерияларнинг қўшма стенотик шикастланишларини хирургик даволашдан кейинги яқин даврнинг кечишини прогностлаш ҳамда ташрих хавфини баҳолашда перфузион компьютер томографиясининг аҳамиятини аниқлаш;

коронар ва брахиоцефалик артерияларнинг қўшма стенотик шикастланишларини хирургик даволаш тактикасини танлаш алгоритминини оптималлаштириш;

коронар ва брахиоцефал артерияларнинг қўшма стенотик шикастланишларини хирургик даволашни оптималлаштириш бўйича таклиф этилган тактик ва техник ёндашувларнинг самарадорлигини қиёсий жиҳатдан баҳолаш;

коронар ва брахиоцефал артерияларнинг қўшма стенотик шикастланишларини хирургик даволашдан кейинги асоратлар ривожланишини омилли таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2011 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда “Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази” давлат муассасасида коронар ва БЦА қўшма стенотик шикастланиши туфайли стационар равишда даволанган 203 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети ташрихдан кейинги специфик асоратлар ривожланишининг хавф омилларини аниқлаш билан коронар ва БЦА стенотик қўшма шикастланишларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг оптималлаштирилган тактик ва техник жиҳатлари самарадорлигини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник, лаборатор, инструментал ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ташрихдан кейинги специфик асоратлар ривожланишининг хавф омилларини аниқлаш билан, бир онли ва босқичли жарроҳлик аралашувлари натижаларига таъсир этувчи коронар ва брахиоцефал артерияларнинг стенотик қўшма шикастланишлари кечишининг клиник ва патофизиологик хусусиятлари аниқланган;

коронар ва брахиоцефал артерияларнинг стенотик қўшма шикастланишларини хирургик даволаш учун кўрсатмаларни белгилаш ва жарроҳлик тактикасини танлашда церебрал тўқима перфузияси, бош миёда қон оқимини компенсациялаш даражаси ва ташрих хавфини баҳолаш борасида компьютер томографиясининг диагностик имкониятлари очиб берилган;

мультифокал атеросклерозли ва оператив даволаш хавфи юқори бўлган беморларда ишлаб турган юракда коронар шунтлаш амалиётида латерал перикардиотомия орқали юрак ва тожтомирларга кириб бориш усули такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

коронар ва брахиоцефал артерияларнинг қўшма атеросклеротик шикастланишларида жарроҳлик аралашуви хавф омилларини табақалаштириш ташрихдан кейинги ўзига хос неврологик ва кардиал асоратларни башорат қилишнинг ташхислаш босқичини сифат жиҳатидан яхшилаши мумкинлиги кўрсатилган;

коронар ва брахиоцефал артерияларнинг қўшма атеросклеротик шикастланишларини хирургик даволаш тактикасини танлаш алгоритмидан фойдаланиш жарроҳлик аралашуви босқичлари ва турини аниқлаш, ўзига хос кардиал, неврологик асоратлар ҳамда госпитал ўлим частотасини камайтириш имконини бериши аниқланган.

коронар ва брахиоцефал артерияларнинг қўшма атеросклеротик шикастланишларида беморнинг юрак-қон томир ва марказий асаб тизимининг клиник-функционал ўзгаришларини аниқлаган ҳолда бир онли ва босқичли ёндашув хусусиятларини ҳисобга олувчи хирургик даволаш тактикасини танлаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари ва замонавий ташхисот усулларида фойдаланилганлиги, услубий ёндашувлар ва статистик таҳлил тўпламлари тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар назарий аҳамиятга эга бўлиб, ташрихдан кейинги асоратларнинг асосий патогенетик хавф омилларини аниқлаш билан коронар ва брахиоцефал артерияларнинг қўшма атеросклеротик шикастланишларини хирургик даволашга бир онли ёки босқичли ёндашувдан кейинги эрта даврнинг кечилишини башорат қилиш хусусиятларини ўрганишга муҳим ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, коронар ва брахиоцефал артерияларнинг қўшма атеросклеротик шикастланишларини хирургик даволаш учун тавсия этилган алгоритм самарадорлигининг ўтказилган таҳлили қониқарсиз натижаларнинг асосий сабаблари ва предикторларини аниқлаш ва тактик жиҳатларни оптималлаштириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Коронар ва брахиоцефал артерияларнинг қўшма атеросклеротик шикастланишида хирургик даволаш тактикасини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Коронар шунтлаш ташрихларида юрак ва коронар артерияларга жарроҳлик йўли билан кириш усули” такомиллаштирилган (Фойдали модель

учун FAP 01575-сон патент, 27.01.2021). Таклиф этилган усул хавф даражаси юкори бўлган беморларда ишлаб турган юракда коронар артерияларни шунтлаш ташрихида гемодинамик ва неврологик асоратлар ривожланиши хавфини камайтириш имконини берган;

“Коронар ва брахиоцефал артерияларнинг кўшма шикастланишларини хирургик даволаш тактикасини танлаш алгоритми” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 28 июндаги 8н-з/339-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган тавсиялар коронар ва мия қон айланиши етишмовчилигини бир онли ёки босқичли оператив даволаш усули қўлланганда хирургик кириш йўлини ва унинг ҳажмини танлашнинг тактик ва техник масалаларини ҳал қилиш ҳамда нохуш неврологик яқун ҳолатларини камайтириш имконини берган;

олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг юрак ишемик касалликлари ва унинг асоратлари хирургияси бўлими, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиали ҳамда Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг кардиохирургия бўлими фаолиятига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 22 августдаги 08-24916-сон маълумотномаси). Коронар ва брахиоцефал артерияларнинг кўшма шикастланишини хирургик даволашнинг тактик жиҳатларини такомиллаштириш ташрихдан кейинги даврни асоратли кечишининг умумий частотасини 22,2% дан 7,5% гача, специфик кардиал асоратларни 21,0% дан 8,75% гача ҳамда неврологик асоратларни 22,2% дан 6,25% камайтиришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 5 та ҳалқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти келтирилган, диссертациянинг апробациядан ўтказилганлиги ва тадқиқот натижаларининг нашр этилиши, диссертация ҳажми ва тузилиши тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг **“Тождомир ва брахиоцефал артерияларнинг**

қўшма шикастланишларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг замонавий жиҳатлари” номли биринчи бобида мультифокал атеросклероз, тожтомир ва брахиоцефал артерияларнинг қўшма шикастланиши бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволашнинг патогенетик, клиник, диагностик хусусиятлари ва тактикаси муаммоси бўйича илмий далиллар чуқур таҳлил қилинган, танқидий баҳоланган, умумлаштирилган ва тизимлаштирилган, ҳал қилиниши керак бўлган долзарб масалалар ўрганилган. Адабиётлар таҳлили асосида шу масала бўйича ечими топилмаган муаммолар аниқланган.

Диссертациянинг **“Клиник материал ва татбиқ этилган тадқиқот усуллари**нинг умумий тавсифи” номли иккинчи бобида клиник материал ва қўлланган тадқиқот усуллари ёритилган. Тадқиқот асосини 2011-2020 йиллар давомида ЮИК ва унинг асоратлари жарроҳлиги бўлимлари ҳамда “Академик В.Воҳидов номидаги РИХИАТМ” давлат муассасасининг қон-томир жарроҳлиги бўлимида уйқу ва тожтомир артерияларида бир марталик ва босқичма-босқич операциялар ўтказилган, тожтомир ва брахиоцефал артерияларнинг қўшма шикастланиши, мультифокал атеросклероз бўлган 203 нафар беморнинг даволаш натижалари ташкил этади. Беморлар тадқиқот даврига қараб икки гуруҳга бўлинган. Таққослаш гуруҳига (ретроспектив таҳлил) 2011 йилдан 2015 йилгача даволанган 102 нафар бемор киритилган. Олинган маълумотлар асосида, операциядан олдинги ташхислаш алгоритми, операциядан кейин ўзига хос асоратлар ривожланиш хавфини прогноз қилиш оптималлаштирилган, АКШ амалиётини бажаришда тактик ва техник ёндашувлар ва операцияни бажариш шартларини танлаш такомиллаштирилган. Асосий гуруҳни (проспектив таҳлил) 2016 йилдан 2020 йилгача ишлаб чиқилган ташхислаш ва даволаш алгоритми ва такомиллаштирилган тактик ва техник ёндашувлар асосида даволанган 101 нафар бемор ташкил этган.

Диссертациянинг **“Тожтомир ва брахиоцефал артерияларнинг қўшма шикастланиши бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволашнинг тактик ва техник жиҳатларини такомиллаштириш**” номли учинчи бобда тожтомир ва брахиоцефал артерияларнинг қўшма шикастланишини жарроҳлик йўли даволаш тактикасини танлаш алгоритми келтирилган. Беморларнинг асосий гуруҳида қўшма каротид ва коронар патологияни жарроҳлик даволаш тактикаси беморларни бирламчи текширувдан ўтказиш натижалари, касаллик анамнези, инструментал ва радиологик ташхислаш маълумотлари кабиларни ҳисобга олиб ишлаб чиқилган алгоритмга асосланган. Маълумки, тожтомир ва брахиоцефал артерияларнинг қўшма шикастланишларида жарроҳлик тактикасини танлаш, шубҳасиз, умумэтироф этилган тамойиллар, яъни бош мия қон айланишидаги анатомик (ИУАнинг критик стенози, атеросклеротик пиллакча эмболияси, икки томонлама гемодинамик аҳамиятли стеноз, карама-қарши ИУА окклюзиясида гемодинамик аҳамиятли стеноз) ва функционал (МКЎБни бошдан кечириш, ТИХ, бемор неврологик ҳолати бузилишининг клиник белгилари) бузилишлар даражасини баҳолашга асосланиши керак (1-расм).

Даволашнинг жарроҳлик тактикасини, яъни жарроҳлик аралашувнинг

босқичлари ва турини аниқлаш учун юқорида кўрсатилган параметрлардан ташқари энг оғир касаллар гуруҳида – уйқу артериялари сезиларли даражада шикастланган асимптоматик беморлар (70-99% ли стеноз ёки окклюзия) ва 50-69% ли ИУА стенози бўлган симптоматик беморларда (мия перфузиясининг компенсаторлик механизмларини баҳолаш) операциядан олдинги текширув вақтида мия қон оқимининг бузилиши даражаси ўрганилади ва қон оқимининг КТ параметрлари аниқланади. Бу ҳолат тожтомир ва брахиоцефал артерияларнинг шикастланишларини бир мартадаёқ жарроҳлик йўли билан даволаш учун беморларни танлаш билан асосланган.

Тожтомир ва брахиоцефал артерияларнинг қўшма шикастланишларини жарроҳлик усулида даволашда симультант (бир марталик) ёндашувнинг афзаллиги шундаки, бемор битта анестезияда пайтида иккита жарроҳлик аралашувини ўтказиши мумкин бўлади.

Таклиф этилган алгоритмга кўра, АКШ бажарилишига кўрсатмалар бўлган ва асимптоматик неврологик ҳолатдаги 50-69%ли уйқу артериялари стенозида биринчи босқичда тожтомир жарроҳлиги амалга оширилган. Операциядан кейинги даврда каротид патологияни консерватив даволаш ва кейинчалик бош мия жарроҳлик реваскуляризациясини ўтказиш тавсия этилган.

Операциядан олдинги КТ перфузияга кўрсатмалар қуйидагилар бўлган:

- ИУА дан бирининг стенози 70-99% бўлиб, касаллик асимптоматик кечганда;

- ИУА дан бирида окклюзия бўлиб, асимптоматик кечганда;

- ИУА дан бирининг стенози 50-69% бўлиб, симптоматик кечганда.

Шу билан бирга, бош мия перфузиясининг бузилиши белгилари аниқланган ҳолларда, сунъий қон айланиши ва бош мия интраоперацион перперфузияси сақланган шароитда тожтомир ва уйқу артерияларида; ёки ишлаб турган юракда (off-pump) тожтомир артерияларини кўриш мақсадида латерал перикардотомия усулидан фойдаланиб бир марталик операция (КЭЭ + АКШ) бажарилган.


Бош мия перфузиясида ўчоқли ўзгаришлар аниқланмаган ҳолларда босқичма-босқич тактика қўлланилди – биринчи босқичда сунъий қон айланиш шароитида АКШ ёки ишлаб турган юракда off-pump техника.

Уйқу артерияси 70-99%га торайган симптоматик беморларда СҚА шароитида, бош мия интраоперацион гиперперфузияси сақланган ҳолда тожтомир ва брахиоцефал артерияларнинг шикастланишларини бир босқичда жарроҳлик йўли билан даволаш тавсия этилган.


ИУАлардан бирида окклюзия бўлган симптомли беморларда ИУА контралатерал торайиши даражасини баҳолаш керак. Масалан, контралатерал ИУА торайиши 60% дан юқори бўлганда СҚА шароитида бош мия интраоперацион гиперперфузиясини сақлаб туриб тожтомир ва брахиоцефал артерияларнинг шикастланишларини бир босқичли жарроҳлик амалиёти орқали бартараф этиш тавсия этилади. КЭЭ вақтинчалик томир ичи шунти ёрдамида амалга оширилади.

Қарама-қарши ИУА торайиши 60% дан кам бўлса, босқичма-босқич жарроҳлик амалиёти ўтказилади. ИУА магистрали гемодинамик жиддий торайганда, тожтомир артериялари кўп томирли шикастланганда биринчи босқичда АКШ амалиётини бажарилади.


Тадқиқот давомида “Тожтомирни шунтлаш операциясида юрак ва тожтомир артерияларига жарроҳлик йўли билан кириш усули” ишлаб чиқилган бўлиб, у юрак ва коронар артерияларга оптимал кўринишини таъминлашдан иборат бўлиб, бу усул юрак ва тожтомир артерияларига максимал кириб боришни таъминлайди, бу эса қисқариб турган юракни айланттириш имконини беради ва мўлжалланаётган шунтлар соҳасида барча тожтомирларнинг тўғри экспозициясини таъминлайди. Тожтомирни шунтлаш амалиётларидаги юрак ва тожтомир артерияларига бундай жарроҳлик усулида кириб бориш перикардни юракнинг чап қисми ва чап медиастинал плевра кўрингунча очишни ва юрак тепаси соҳасигача кесишни назарда тутаяди (латерал перикардиотомия). Олд Қоринчалараро артерия проекцияси бўйича 3 см чапдан ўпка артерияси магистралига қараб борилади. Перикард аорта илдизидан бошлаб медиастинал плеврагача вертикал йўналишда кесилади, кейин ПМЖВга параллел равишда вертикал йўналишда ундан 3 см узокликда кесишда давом этилади, сўнг ЧҚ тепасидан горизонтал равишда юрак ўнг бўлмалари кўрингунча кесилади (Перикардни П-симон кесиш). Шу тариқа, юракни ўз ўқи бўйлаб, гемодинамик параметрларни бузмасдан ўнг ва чапга силжитиш имконияти туғилади. Перикардни бу тариқа кесиш тамойиллари (перикардни кенг кесиш) нафақат тўлиқ стернотомияда, балки министернотом кириш орқали тожтомирни шунтлаш каби бошқа усулларда ҳам қўлланиши мумкин (2-5-расм).




2-расм. Латерал қисмни перикарднинг ёғ клетчаткасидан ажратиш



3-расм. Перикардни аорта илдизидан бошлаб плевра томон горизонтал кесиш



4-расм. Шахсий методика асосида перикардни кесиш



5-расм. Юракни ўз ўқи бўйлаб айлантириш

Келтирилган усулнинг ўзига хос белгилари ва унинг кутилаётган натижага бўлган таъсири: - қон айланиши барқарорлиги сақланади, бунда кейинчалик вазопрессорларни улаш талаб этилмайди; - перикард стандарт операцияларидаги каби ўртадан эмас, ПМЖВ дан 3 см чапга очилади. Бу орқали капрон ишлар ёрдамида перикарднинг чап томонини кўтариб, олд тожтомир артерияни кўриш мумкин бўлади; - перикард визуал назорат остида амалга оширилиб, қон кетиш содир этилса коагуляция ёрдамида тўхтатилади; - юракнинг барча бўлимларини силжитиш имкони таъминланади, бу ҳам техник мураккабликларсиз учала тожтомир артерияга дистал анастомозларни қўйиш имконини беради.

«Юрак ишемик касаллиги ва брахиоцефал артерия кўшма шикастланишини жарроҳлик йўли билан даволашнинг қиёсий таҳлили» номли тўртинчи бобда тожтомир ва уйқу артериялари кўшма шикастланишини бир босқичли ва кўп босқичли шаклда жарроҳлик йўли билан даволаш натижалари келтирилган.

Бир марталик жарроҳлик аралашувларида аксарият ҳолларда қиёслаш гуруҳида (71,4%; 15 из 21) АКШ СҚА шароитида бажарилган, асосий гуруҳда эса ушбу кўрсаткич пастроқ бўлиб, 61,9% ни ташкил этди (21 дан 13). Ишлаётган юракда бир марталик КЭЭ + АКШ коррекцияси (off-pump) қиёслаш гуруҳида 21 дан 6 нафар беморда амалга оширилган (28,6%), асосий гуруҳда эса 21 дан 8 тасида (38,1%) бажарилган, яъни таққослаш гуруҳига қараганда буларда кўпроқ бўлган.

Асосий гуруҳда СҚА вақти ($105,9 \pm 2,6$ мин) қиёслаш гуруҳига қараганда кам бўлган ($137,8 \pm 2,3$ мин), статистик аҳамиятли фарқ қуйидагича бўлган ($t=7.69$; $p<0.001$). Мос равишда аортани қисиш вақти ҳам кам бўлган: асосий гуруҳда $76,8 \pm 3,6$, қиёслаш гуруҳида $93,4 \pm 3,8$ минут ($t=3.17$; $p=0.0039$)

Операция вақтида ўртача АБ $89,4 \pm 4,1$ мм сим. уст. ни ташкил этиб, бу қиёслаш гуруҳига қараганда юқори эди: $58,3 \pm 4,2$ мм сим. уст. ($t=4.99$; $p<0.001$). Техник жиҳатларни оптималлаштириш ҳисобига ЎСВ давомийлиги

асосий гуруҳда $15,6 \pm 1,1$ соатдан қиёслаш гуруҳида $11,5 \pm 0,9$ соатгача қисқарган ($t=2.88$; $p=0.008$), РИТБ бўлимида даволаниш муддати $28,3 \pm 2,8$ дан $19,3 \pm 1,6$ соатгача камайган ($t=2.79$; $p=0.01$).

ЭхоКГ кўрсаткичлари динамикаси таҳлили шуни кўрсатдики, иккала тадқиқот гуруҳида ЯДХ ишончли фарқ билан операциядан аввалги кўрсаткичларга қараганда анча камайган – таққослаш гуруҳида $142,5 \pm 3,2$ мл дан $132,4 \pm 3,3$ гача ва асосий гуруҳда $146,8 \pm 3,5$ мл дан $136,3 \pm 2,9$ мл гача ($p=0.380$).

Геморрагик асоратлар қиёслаш гуруҳида 4,8% (21 дан 1 та ҳолатда) ҳолатда ва асосий гуруҳда 9,5% (21 дан 2та) ҳолатда кузатилган (6-расм). Йирингли плеврит кўринишидаги ўпка асоратлари статистик фарқларсиз ($p=0.215$) асосий гуруҳга қараганда (9,5%; 21 дан 2)дан кўра таққослаш гуруҳида кўпроқ учраган (23,8%; 21 дан 5). Бўйрақларнинг ўткир шикастланиши борасида ҳам статистик фарқ кузатилмаган ($p=0.550$, асосий гуруҳда 4,8%, асосий гуруҳда 9,5%).



6-расм. ТТ ва БЦА қўшма шикастланишини бир босқичли жарроҳлик амалиётида операциядан кейинги асоратлар частотаси

Юрак асоратларининг умумий миқдори қиёслаш гуруҳида 47,6% гача (21 дан 10та) ва асосий гуруҳда 19,0% гача пасайган (21 дан 4 та) ($p=0.047$). Турли неврологик асоратларнинг умумий миқдори таққослаш гуруҳида 57,1% ни (21 дан 12 та) ва асосий гуруҳда 14,3% ни (21 дан 3) ташкил этган ($p=0.004$).

Кўп босқичли жарроҳлик аралашувларида аксарият ҳолларда биринчи босқичда СҚА шароитида АКШ бажарилган: қиёслаш гуруҳида 63,0% (81 дан 51 та) ва асосий гуруҳда 62,5% (80 дан 50 та). Биринчи босқичда ишлаётган юракда АКШ қиёслаш гуруҳида 17,3% (81 дан 14) ҳолатда ва

асосий гуруҳда 13,75% (80 дан 11 та) бажарилган. Қиёслаш гуруҳида КЭЭдан ва АКШ бажаришга кўрсатмаси бўлган беморлар қиёслаш гуруҳида 14 (17,3%) та ва асосий гуруҳда 11 (13,75%) та бўлган.

Қиёслаш гуруҳида ҳам (77,8%; 81 дан 63), асосий гуруҳда ҳам (77,5%; 80 дан 62) аксарият ҳолларда УА 50-69% га торайган беморларда ТТ ва БЦА қўшма шикастланиши бўлган беморлар кўп босқичли жароҳлик усулида даволанган. Қиёслаш гуруҳида ҳам (n=3), асосий гуруҳда ҳам (n=4) уйқу артериялари окклюзияси бўлган барча ҳолларда 60% ли контралатерал торайиш кузатилган, кўп босқичли операциялар айнан шу сабабли амалга оширилган. Ушбу гуруҳ беморларида УА билатериал шикастланишлари ҳам кузатилган. Такқослаш гуруҳида 23 (28,4%) та беморда, асосий гуруҳда 25 (31,25%) та беморда билатерал шикастланишлар кузатилган.

Асосий гуруҳда СҚА вақти (127,3±2,4 мин) статистик аҳамиятли фарқ билан (t=7.85; p<0.0001) қиёслаш гуруҳига (162,6±3,8 мин) қараганда камроқ бўлган. Мос равишда аортани қисил вақти кўрсаткичлари нисбатан паст бўлган: асосий гуруҳда - 73,5±3,6, қиёслаш гуруҳида 95,1±3,4 минут (t=4.36; p<0.0001).

Асосий гуруҳ беморларида СҚАни қўллаб АКШ кўп босқичли операцияси амалга оширилганда юқори перфузион босимни ушлаб туриш протоколи қўлланган. Масалан, ўртача АБ 92,1±4,5 мм сим. уст. ни ташкил этиб, бу кўрсаткич такқослаш гуруҳига қараганда юқори бўлган – 62,4±4,2 мм сим. уст. (t=4.82; p<0.0001). Натижада асосий гуруҳ беморларида операция вақтида ва ундан кейин кўп ҳажмда қон йўқотиш кузатилган, аммо бу кутилган ҳолат бўлиб, операциядан аввалги гемо- ва плазматрансфузия билан бартараф этилган, уларнинг ҳажми эса рухсат этилган ҳажмдан ошмаган.



Бу гуруҳ беморларида ўпкада ҳаво айланиш вақти ҳам қисқарган: асосий гуруҳда 12,3±1,1 соатгача, қиёслаш гуруҳида 6,8±0,9 гача (t=3.87; p=0.002), реанимация бўлимида даволаниш муддати 24±2,8 дан 16±2,1 гача қисқарган (t=2.29; p=0.02).

Босқичли ёндашув қўланганидан сўнг асоратли кечилишнинг умумий миқдори асосий гуруҳда 7,5% (80 дан 6 та) ни ва қиёслаш гуруҳида 22,2% (81 дан 18 та) ни ташкил этган (p=0.009) (7-расм).

Йирингли плеврит кўринишидаги ўпка асоратлари иккала гуруҳда ҳам деярли тенг миқдорда кузатилган. Юрак асоратлари таркибида МЎИ такқослаш гуруҳида 3 (3,7%) нафар беморда кузатилган, асосий гуруҳда эса МЎИ самарали консерватив терапия олган 1 (1,25%) нафар бемордагина учраган (p=0.318). Асосий гуруҳда 6,2% (81 дан 5та) ҳолатда операциядан кейин юрак етишмовчилиги ривожланган бўлиб, такқослаш гуруҳига қараганда ишончли фарқсиз (p=0.246) юқори бўлган (2,5%; 80 дан 2 та). Юрак ритмининг турли бузилишлари асосий гуруҳга қараганда (5,0%; 80 дан 4 та) кўпроқ (p=0.155) такқослаш гуруҳида учраган (11,1%; 81 дан 9 та).

Турли неврологик асоратларнинг умумий миқдори такқослаш гуруҳига қараганда (22,2%; 81 дан 18 та) ишончли фарқ билан (p=0.004) асосий

гуруҳда (6,25%; 80 дан 5 та) пастроқ бўлган. МҚАЎБ ва ЎЮҚТЕ оқибатида ўлим ҳолати таққослаш гуруҳида 3 (3,7%) та беморда ва асосий гуруҳда 1 (1,25%) та беморда кузатилган ($p=0.307$).



7-расм. ТТ ва БЦА қўш шикастланишини кўп босқичли жарроҳлик усулида даволашдан кейинги асоратлар миқдори

Тадқиқотнинг таққослама натижаларига кўра, диссертация ишига киритилган, ТТ ва БЦА қўшма шикастланиши бўлган барча беморлар жарроҳлик йўли билан даволанган. Таққослаш гуруҳида (50,0%; 102 тадан 51та) ҳам, асосий гуруҳда ҳам (49,5%; 101дан 50 та) беморларнинг деярли ярмида биринчи босқичда СҚА шароитида АКШ, 3 ва ундан кўпроқ ойдан сўнг КЭЭ бажарилган. Қиёслаш гуруҳида 13,7% (102 дан 14 та) ҳолатда ва асосий гуруҳда 10,9% (101 дан 11 та) ҳолатда биринчи операция сифатида уйқу артериялари торайишини бартараф этувчи кўп босқичли жарроҳлик амалиёти бажарилган (КЭЭ ёки КС). Қиёслаш гуруҳида 15,7% (102 дан 16) ҳолатда ва асосий гуруҳда 18,8% (101 дан 19 та) ҳолатда босқичли жарроҳлик

амалиёти бажарилган бўлиб, биринчи босқичда off-pump АКШ, 3 ойдан сўнг КЭЭ амалга оширилган.

Қиёслаш гуруҳида 14,7% (102 дан 15 та) ҳолатда ва асосий гуруҳда 12,9% (101дан 13 та) ҳолатда СҚА шароитида КЭЭ ва АКШни қўллаб бир марталик даволаш қўлланган (1-жадвал). Ишлаётган юракда бир марталик КЭЭ ва АКШ камроқ бажарилган: қиёслаш гуруҳида 5,9% (101дан 6 та) ҳолатда ва асосий гуруҳда 7,9% (102 дан 8 та) ҳолатда.

1-жадвал.

Операциядан кейинги асоратларнинг қиёсий жадвали

Кўрсаткич	Қиёслаш гуруҳи (n=102)	Асосий гуруҳ (n=101)	p
Миокарднинг ўткир инфаркти	5 (4,9%)	1 (1,0%)	0.086
Инотроп ва вазопрессор препаратларни қўллаш	9 (8,8%)	4 (4,0%)	0.152
Ритмнинг турли бузилишлари	13 (12,7%)	6 (5,9%)	0.093
Турли даражадаги дисциркулятор энцефалопатия	11 (10,8%)	5 (4,9%)	0.119
ТИХ	11 (10,8%)	3 (3,0%)	0.024
МҚАЎБ/инсулт	8 (7,8%)	2 (2%)	0.005
Қон кетиш	3 (2,9%)	5 (4,9%)	0.460
Ўпка асоратлари (йирингли плеврит)	9 (8,8%)	6 (5,9%)	0.431
Буйрак ўткир шикастланиши	7 (6,9%)	4 (3,9%)	0.359
Ўлим	4 (3,9%)	1 (1,0%)	0.164
Асоратли жами беморлар	32 (31,4%)	9 (7,9%)	0.003
Асоратларсиз	70 (68,6%)	92 (91,1%)	

Операциядан кейин турли асоратлари бўлган беморлар қиёслаш гуруҳида жами 32 (31,4%) та ва асосий гуруҳда 9 (7,9%) та бўлган ($p=0.003$). Қиёслаш гуруҳида ЎБМҚА частотаси/инсулт 7,8% (102дан 8 та)ни ташкил этган бўлса, асосий гуруҳда эса ушбу турдаги асоратлар 2% ҳолатда кузатилган ($p<0.05$). Операциядан кейин ТИХ частотаси таққослаш гуруҳига (10,8%; 102дан 11 та) қараганда асосий гуруҳда (3,0%; 101дан 3та) ишончли фарқ билан ($p=0.024$) камроқ бўлган. Асосий гуруҳда юрак асоратларининг умумий миқдори (ЎМИ, ЎБМҚАЕ ва аритмия) 10,9% (101дан 11 та)ни ташкил этган бўлиб, бу таққослаш гуруҳига 26,5% (102 дан 26 та) қараганда статистик аҳамиятли ($p=0.005$) пастроқ бўлган. Асосий гуруҳда (7,9%; 101дан 8 та) неврологик асоратлар (энцефалопатия, ТИА, ЎБМҚАЕ/инсулт) таққослаш гуруҳига қараганда (29,4%; 102 дан 30 та) ишончли ($p<0.001$) даражада камроқ учраган.

ХУЛОСА

1. ТТ ва БЦА қўшма шикастланиши бўлган беморларда жарроҳлик аралашуви тактикасини аниқлаш ва операция хавфини баҳолашда бош мия перфузион КТ юқори самарали бўлиб, бош мия тўқима перфузияси ва мия

қон айланишини компенсациялаш даражаси асосий параметрларини (СВФ, СВ ва МТТ) аниқлаш имконни беради.

2. Юрак ишемик касаллиги ва брахиоцефал артерияларни қўшма шикастланган беморларда таклиф этилган усулдан фойдаланиш, яъни латерал перикардиотомия орқали ишлаётган юракда АКШ кўрсатмасини оптималлаштириш ишлаётган юракни айлантириш имкониятини бериб, чап тожтомирлар тармоқларини шунтлашда нормал гемодинамикани ўзгармаган холда юракни ўз ўқи атрофида айланишига, вазопрессорлар ва кардиотоник воситалар қўлламасдан коронар шунтлаш амалиётини бажаришга ёрдам беради.

3. ТТ ва БЦА қўшма шикастланишлари бўлган беморларда бир марталик жарроҳлик аралашувларини амалга оширишнинг тактик-техник жиҳатларини оптималлаштириш СҚА шароитида беморларни операция давомида кузатиш имконини яхшилаш, операциядан кейин асоратли кечишнинг умумий даражасини қиёслаш гуруҳида 66,7% гача, асосий гуруҳда 14,3% гача камайтириш ($p=0.002$), юрак асоратлари миқдорини 47,6% дан 19,0% гача ($p=0.047$), ЎБМҚАЕ/инсултни 19,0% дан 4,7% ($p=0.036$) гача камайтириш имконини берди.

4. ТТ ва БЦА қўшма шикастланишларини кўп босқичли жарроҳлик даволашнинг тактик-техник жиҳатларини оптималлаштириш операциядан кейин асоратли кечишнинг умумий даражасини 22,2% дан 7,5% ($p=0.009$) гача, ўзига хос юрак асоратларини 21,0% дан 8,75% гача ва неврологик асоратларни 22,2% дан 6,25% ($p=0.004$) гача камайтириш имконини берди, неврологик асоратлар таркибида операциядан кейин ЎМИ 3,7% дан 1,25% гача ($p=0.318$), ТИА – 9,9% дан 2,5% гача ($p=0.046$) ва ЎБМҚАЕ/инсулт 4,9% дан 1,23% гача камайди ($p=0.024$).

5. ТТ ва БЦА қўшма атеросклеротик шикастланишларини жарроҳлик йўли билан даволаш тактикасини танлаш бўйича ишлаб чиқилган алгоритм бир марталик ва босқичли операцияларни бажаришга бўлган кўрсатмаларни оптималлаштириш имконини берди, бу эса операциядан кейин ўзига хос асоратлар ривожланиши умумий даражасини 31,4% дан 7,9% гача камайтириш имконини берди ($p=0.003$), жумладан, ЎМИ миқдори 4,9% дан 1,0% гача, ЎБМҚАЕ/инсулт миқдори 7,8% дан 2% гача камайди ($p=0.005$), касалхонада вафот этиш кўрсаткичи эса 3,9% дан 1,0% гача камайди.

6. ТТ ва БЦА қўшма шикастланишлари жарроҳлик йўли билан даволанганидан сўнг асоратлар ривожланиши хавфини белгиловчи асосий омиллар орасида 3 дан юқори бўлган EuroSCORE, NYHA бўйича ФС III-IV синф, сурункали буйрак етишмовчилиги, анамнезда ТИА ва ЎБМҚАЕ ёпиқ Виллизиев доираси, ИУА нинг 70-100% торайиши, ИУАда бўртмача мавжудлиги, операция қилинмаган томонда ИУАнинг 70-100% га торайиши кабиларни кўрсатиш мумкин. Шунингдек, бир марталик жарроҳлик аралашуви тактикасини қўллаш операциядан сўнг асоратлар миқдори 3.88 марта ошишига олиб келиши аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01
ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ХИРУРГИИ
ИМЕНИ АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ХИРУРГИИ ИМЕНИ
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА**

ИЛХОМОВ ОЙБЕК ЭРКИНОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТАКТИЧЕСКИХ АСПЕКТОВ
ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ БОЛЬНЫХ С СОЧЕТАННЫМ
ПОРАЖЕНИЕМ КОРОНАРНЫХ И БРАХИОЦЕФАЛЬНЫХ АРТЕРИЙ**

14.00.34 – Сердечно-сосудистая хирургия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2020.2.PhD/Tib1303.

Диссертация выполнена в Центре развития профессиональной квалификации медицинских работников при Министерстве Здравоохранения Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.rscs.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Мансуров Аброр Амирджанович доктор медицинских наук
Официальные оппоненты:	Абдумажидов Хамидулла Амануллаевич доктор медицинских наук, профессор Абралов Хакимжон Кобилжонович доктор медицинских наук
Ведущая организация:	ГБУЗ «Научно-исследовательский институт – Краевая клиническая больница №1 имени профессора С.В. Очаповского» (г. Краснодар, Российская федерация)

Защита состоится « ____ » _____ 2022 г. в ____ часов на заседании разового Научного совета при Научном совете DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова (Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули,10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр хирургии имени академика В.Вахидова).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии имени академика В.Вахидова (зарегистрирована за № 149). Адрес: 100115, г. Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2022 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2022 года).

Ф.Г. Назиров
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор,
академик

А.Х. Бабаджанов
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Р.А. Ибадов
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения «сердечно-сосудистые заболевания (ССЗ) являются основной причиной смерти во всем мире. Ни по какой другой причине ежегодно не умирает столько людей, сколько от ССЗ и по оценкам, в 2016 году от ССЗ умерло 17,9 миллиона человек, что составило 31% всех случаев смерти в мире¹. При этом более 9,0 миллионов случаев смерти были вызваны ишемической болезнью сердца (ИБС) в 2019 году, что делает ее по-прежнему ведущей причиной смерти во всем мире². В Республике Узбекистан в 2017 году заболеваемость болезнями сердечно-сосудистой системы составила 5799 на 100000 населения. Сочетание атеросклеротических поражений коронарных, сонных и периферических сосудов не является редкостью, в связи с чем, в последние два десятилетия в центре внимания сердечно-сосудистой хирургии находятся вопросы эффективного применения одновременного или же поэтапного оперативного лечения недостаточности коронарного и мозгового кровообращения, поскольку показатели успешности аортокоронарного шунтирования (АКШ) значительно возросли, а профилактический подход к неблагоприятным неврологическим исходам приобрел популярность, однако в данном направлении тактические и технические вопросы, особенно выбора оперативного доступа и его объема остаются еще далекими от окончательного разрешения.

В мировой практике в настоящее время сотрудничество между различными научными дисциплинами, такими как биотехнология и тканевая инженерия, привело к разработке новых стволовых клеток, и нанотехнологий, показывающих многообещающие эффекты при изучении сочетанных атеросклеротических поражений коронарных и брахиоцефальных артерий, потенциала регенерации сердца и связанных с ними состояний, с акцентированием внимания на предрасполагающих состояниях и факторах риска, сказывающихся на течении заболевания и разных сторон сложных патофизиологических сдвигов, наблюдающихся при ИБС и поражениях сонных артерий.

На современном этапе развития отечественного здравоохранения проводится множество мер, направленных на улучшение результатов лечения больных с сердечно-сосудистыми заболеваниями за счет внедрения современных технологий профилактики, диагностики, консервативного и хирургического лечения. В этом направлении, в частности, в улучшении качества предоперационной подготовки и методов безопасной хирургической тактики в случаях сочетанного атеросклеротического поражения коронарных и брахиоцефальных артерий достигнуты положительные результаты. В стратегию развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы по семи

¹ Nowbar AN, Gitto M, Howard JP, Francis DP, Al-Lamee R. Mortality From Ischemic Heart Disease. *Circ Cardiovasc Qual Outcomes*. 2019;12(6):e005375. doi:10.1161/CIRCOUTCOMES.118.005375

² Dai H, Much AA, Maor E, Asher E, Younis A, Xu Y, Lu Y, Liu X, Shu J, Bragazzi NL. Global, regional, and national burden of ischemic heart disease and its attributable risk factors, 1990-2017: results from the global Burden of Disease Study 2017. *Eur Heart J Qual Care Clin Outcomes*. 2020;qcaa076.

приоритетным направлениям включены задачи по повышению качества оказания населению квалифицированных медицинских услуг³. Реализация данных задач, в том числе, путем разработки оптимальной диагностической и лечебной тактики у больных с атеросклеротическим поражением каротидных и коронарных артерий является одним из актуальных направлений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Указами Президента Республики Узбекистан №УП-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» и №УП-4985 от 16 марта 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию экстренной медицинской помощи», Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

